



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ТАДБИРКОРЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШ БЎЙИЧА  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ТАДБИРКОРЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ  
БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НОРМАТИВ  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

04

04  
22

04

67.404(5У)

Т 12

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбек тилида

Нашр учун масъуллар: **Х.М. Содиқов,**  
**А.Ж. Тошқулов**

Нашрга тайёрлаганлар:  
**А.Э. Бурханов, А.И. Ўралов**

Т 12 Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш  
бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив  
ҳужжатлари. Тошкент, 2002. 80 б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-  
зирлиги.

**ББК 67.404(5У)**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2002.

## МУНДАРИЖА

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги 69–II-сон Қонуни .....	4
«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги 717–I-сон Қонуни .....	30
«Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги ПФ–1503-сон Фармони .....	41
«Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сон Фармони .....	43
«Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон қарори .....	48
«Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2001 йил 23 апрелдаги 01-сон қарори .....	52
Муқобил текширишларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида кўрсатма .....	71
Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда қонунийликни таъминлаш бўйича кўрсатма .....	73
«Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2001 йил 15 майдаги 55-мх-сон буйруғи [Кўчирма] .....	77

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ\*

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 140-модда;  
2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### **1-модда. Қонуннинг асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

#### **2-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Нотижорат ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига татбиқ этилади.

Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар

---

\* 2000 йил 15 июндан кучга киритилган.

белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

### **3-модда. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси**

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

### **4-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

### **5-модда. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари**

Қуйидагилар кичик тадбиркорлик субъектларидир: якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, савдо, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида — кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

саноат соҳасида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан қирқ киши, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида — кўпи билан йигирма киши, фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида — кўпи билан ўн киши бўлган кичик корхоналар.

Ходимларининг ўртача йиллик сони кичик корхоналар учун белгиланганидан кўпроқ, аммо саноатда — юз киши-

дан, қурилишда — эллик кишидан, қишлоқ хўжалиги, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқларида — ўттиз кишидан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида — йигирма кишидан кўп бўлмаган ўрта корхоналар ўрта тадбиркорлик субъектларидир.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда белгиланади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари жумласига киритилади.

### **6-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлик**

Якка тартибдаги тадбиркорлик — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқсиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

### **7-модда. Жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти**

Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини қуйидаги:

эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;

оддий ширкат;

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжалиги шаклларида амалга оширишлари мумкин.

Эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирак этади, бу розилик яқка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Жисмоний шахслар фақат яқка тартибдаги тадбиркорлар тариқасида давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин.

Деҳқон хўжалиги ва оддий ширкатни тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **8-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қуйидагиларга ҳақли:

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш;

тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени



эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан;

белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **9-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари;

ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;

хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;

реализация қилинадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;

почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;

бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари;

ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари шарт.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **10-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмалари**

Тадабиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида қонунга мувофиқ уюшмалар (иттифоқлар) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Тадабиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаларини тузиш, уларнинг фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **II. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСЛАРИ**

### **11-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш**

Тадабиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади. Яқка тартибдаги тадабиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадабиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган вақ билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчини тадабиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиш мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайдилар ва маънавий зарар учун товон тўлайдилар.

## **12-модда. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш хусусиятлари**

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахс ариза берган пайтдан бошлаб уч кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Жисмоний шахс рўйхатдан ўтказилганлик йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этганидан кейин унга аризасида кўрсатилган муддатга якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Рўйхатдан ўтказилганлик йиғими банк муассасалари ёки аҳолидан тўловларни қабул қилувчи бошқа кредит ташкилотлари орқали тўланади.

Рўйхатдан ўтказилганлик йиғими ставкасининг энг юқори миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Рўйхатдан ўтказилганлик йиғими миқдорлари ва уни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда, бундай қарорни қабул қилган орган жисмоний шахсни бу ҳақда уч кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларида ҳисобга туриши шарт. Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ҳисобга қўйиш учун асосдир. *(тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

## **13-модда. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш**

Лицензияланиши лозим бўлган тадбиркорлик фаолиятининг турлари қонунлар билан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **14-модда. Тадбиркорлик фаолиятининг мулкый асоси**

Тадабиркорлик фаолияти тадабиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки асосида ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин.

Тадабиркорлик субъектлари тадабиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкый ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин.

#### **15-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш ва суғурта қилиш**

Тадабиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тадабиркорлик фаолияти субъектига кредит берилаётганда банк муассасалари, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафил бўлишлари мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлишлари мумкин.

Тадабиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятларни таъминлаш тариқасида ўз мол-мулкидан, шу жумладан ашёлари ва мулкый ҳуқуқларидан, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфи суғуртаси тўғрисидаги суғурта полисидан фойдаланиши мумкин.

Тадабиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли кредитланиш ҳуқуқига эга.

Тадабиркорлик фаолияти субъектларини суғурта қилиш суғурта ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **16-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларидан солиқ олиш**

Тадабиркорлик фаолияти субъектларидан солиқ олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартишлар киритилган тақдирда, мазкур субъектлардан кейинги икки йил мобайнида бундай ўзгартишлар кучга киргунга қадар амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган микрофирмалар ва кичик корхоналар, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда акциз солиғи тўлаганлари тақдирда, ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин. Микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи ушбу модда талабларини инобатга олган ҳолда берилади. *(учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширганлари тақдирда, солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлайдилар.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилмаган фаолиятнинг турларини амалга оширганлари тақдирда микрофирмалар ва кичик корхоналар ўз хоҳишига кўра ё ягона солиқ, ёки мазкур тоифадаги солиқ тўловчилар учун назарда тутилган барча солиқларни жамлаган ҳолда тўлайдилар.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқ тўлаш мақсадида ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган фаолият турларининг алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт.

*(тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 май Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 89-модда)*

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ва ташқи бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер

солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар (мол-мулк солиғи бундан мустасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилари, алко-голли маҳсулот учун акциз солиғини истисно этганда, амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига ягона ер солиғи тўлайдилар.

Ягона солиқни, ялпи даромад солиғини, ягона ер солиғини тўлаш тартиби ва бундай солиқларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **17-модда. Ҳисоб ва ҳисобот**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисоб ва ҳисоботни қонун ҳужжатларига мувофиқ юритадилар.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари фақат давлат статистика органлари ҳамда солиқ органларига белгиланган шаклда ҳисобот тақдим этадилар.

Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот турларини белгилаш ман этилади.

## **III. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ**

### **18-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатлари**

Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

**19-модда. Тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш эркинлиги кафолатлари**

Юридик шахс бўлмиш тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг асосий турларини санаб ўтиш билан кифояланишга ҳақли. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин.

**20-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ўз маҳсулоти (ишлари, хизматлари) ва даромадларини (фойдани) тасарруф этиш эркинлиги кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг (бажарган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг) ҳамда уларни реализация қилишдан олган даромадларининг (фойданинг) мулкдоридир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланиб, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромади (фойдаси) улар томонидан ихтиёрий равишда ишлатилади, суд тартибидаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно.

**21-модда. Пул маблағларини тасарруф этиш кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этадилар.

Банк муассасалари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаб бериш ва назорат қилишга ҳамда пул маблағларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш боразидаги ҳуқуқларини қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг уларга хиз-

мат кўрсатувчи банк муассасалари ҳисобварақларидаги маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул шаклида олиниши мумкин.

## **22-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил тарзда амалга оширадilar.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари тариқасида қўшимча рўйхатдан ўтмаган ҳолда валюта ҳисобварақлари очиши ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши учун асос бўлади.

## **23-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахл-сиздир ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Мол-мулк мулкдори ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни қилишга ҳақли.

Тадбиркорлик фаолияти субъектидан мулкни олиб қўйишга, унинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини бекор қилишга, шунингдек бундай ҳуқуқларни чеклашга йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ашёвий ҳуқуқлари қонунларда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

## **24-модда. Фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари**

Фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

Ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйишга фақат ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.



Ер участкасининг ижара шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда уни юритиш учун берилган ер участкасининг ижара шартномаси қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

### **25-модда. Деҳқон хўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари**

Деҳқон хўжалигининг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Деҳқон хўжалигига берилган томорқа ер участкаси бўлинмайди.

Томорқа ер участкасининг ўлчамлари ва чегараси фақат деҳқон хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигининг ер участкасини олиб қўйишга қонунда назарда тутилган ҳолларда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шунга тенг бошқа ер участкаси берилиб, бузиб ташланаётган бинолар ва иншоотлар қиймати қопланганидан ёки бошқа жойга қўчирилганидан ёхуд бошқа бино ва иншоотлар қуриб берилганидан кейингина йўл қўйилади.

### **26-модда. Якка тартибдаги тадбиркорликни ўз номидан амалга ошириш ҳуқуқи кафолатлари**

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади.

Жисмоний шахс ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузаётганида, агар бунинг моҳияти тузилаётган битимнинг мазмунидан аниқ келиб чиқмаса, якка тартибдаги тадбиркор тариқасида ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиши лозим. Бундай эслатманинг бўлмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари юзасидан зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлигидан далолат бериши лозим.

### **27-модда. Тадбиркорлик субъектларининг хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорларига эркин кириш кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, мулк шакли ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорига эркин киришда, шунингдек давлат эҳтиёжлари учун айрим товар турларини етказиб беришда қатнашишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда тенг имкониятларга эга. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорига кириш эркинлиги давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан бирон-бир тарзда чекланишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хом ашё, айрим товарлар ва хизматлар бозорига киришнинг алоҳида шартларини белгилаши мумкин.

### **28-модда. Фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг моддий-техника ресурслари, уруғлик материаллар, кўчатлар ва зотдор чорвадан эркин фойдаланиш кафолатлари**

Фермер ва деҳқон ҳўжаликлари моддий-техника ресурслари, шу жумладан ёнилғи-мойлаш материаллари, омихта ем, органик ва минерал ўғитлар бозорларига эркин киришда бошқа ҳўжалик юритиш субъектлари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкат ҳўжаликлари), фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг уруғлик материалларга, кўчатларга, қишлоқ ҳўжалиги экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситала-

рига, зотдор чорвага бўлган эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан шароит яратиб берадилар.

### **29-модда. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сувдан фойдаланишни амалга ошириш кафолатлари**

Фермер ва деҳқон хўжалиklари сувдан фойдаланишни қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланган ҳар йилги лимитлар асосида бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари билан тенг ҳуқуқларда амалга оширади.

Сув истеъмоли лимитлари фақат фермер, деҳқон хўжалигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин, сув объектларида сувнинг пасайиб кетиш ҳоллари бундан мустасно.

Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чеклашга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

### **30-модда. Кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари кредит ресурсларидан эркин фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ тенг ҳуқуқларга эга.

Бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантиришга ажратиладиган кредитлардан фойдаланганлик учун давлат томонидан имтиёзли фоиз ставкалари белгиланиши мумкин.

Давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларини имтиёзли кредитлашни амалга оширувчи тижорат банкларига қулай шароитлар яратиши мумкин.

### **31-модда. Ахборот олиш эркинлиги кафолатлари**

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига бу субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт. Ахбо-

рот олиш эркинлиги қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул берилади. Бошқа ахборотларни берганлик учун тарафлар келишуви асосида ҳақ ундирилиши мумкин.

Давлат статистика органлари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган статистика ахбороти мунтазам эълон қилиб борилишини таъминлайди.

### **32-модда. Национализация, мусодара ва реквизиция қилинишдан кафолатлар**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки национализация ва мусодара қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки реквизиция қилинмайди, табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно бўлиб, унда мулкдорга реквизиция қилинаётган мол-мулк қиймати тўланади. Реквизиция тўғрисидаги қарор давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қабул қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари национализация, мусодара ва реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

### **33-модда. Фирма номи, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш кафолатлари**

Юридик шахс бўлмиш тадбиркорлик фаолиятининг субъекти фирма номига бўлган ҳуқуққа эга бўлиб, бу ном уставни тасдиқлаш вақтида белгилаб қўйилади ҳамда давлат реестрига киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг илгари рўйхатдан ўтказилган фирма номига жуда ўхшаш бўлиб, тегишли тадбиркорлик субъектларини айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган фирма номи рўйхатга олиниши мумкин эмас.

Товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш ҳуқуқи унинг рўйхатга олинганлиги асосида берилади.

Фирма номидан, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ана шу ном ва белги эгасига тегишли бўлади.

Фирма номини, товар белгисини (хизмат кўрсатиш белгисини) нашр қилганда, омма орасида ижро этганда ёки улардан бошқа тарзда фойдаланганда фирма номининг, товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) ўзига, худди шунингдек уларнинг ифодасига бирон-бир ўзгартишлар киритишга фақат уларнинг эгаси розилиги билан йўл қўйилади.

Фирма номи, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ фирма номи, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) эгасига тегишлидир.

### **34-модда. Тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик кафолатлари**

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятига аралашуш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) деҳқон ва фермер хўжалиқларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан уларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, ана шу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилаш ишларига аралашушга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно.

#### **IV. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

##### **35-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш**

Тадабиркорлик фаолияти субъекти ўз ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотларга раддия берилишини суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар тадабиркорлик фаолияти субъектининг ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, бу маълумотларга раддия айна шу оммавий ахборот воситаларида берилиши лозим. Агар бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда мавжуд бўлса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Тадабиркорлик фаолияти субъекти ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар тарқатилганда, бундай маълумотларга раддия берилиши билан бир қаторда уларнинг тарқатилиши оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зарар учун товон тўланишини талаб қилишга ҳақли.

##### **36-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш**

Тадабиркорлик фаолияти субъектларининг холисона ифодаланган интеллектуал фаолият натижаларига ҳамда унинг ўзига хос воситаларига (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳоказоларга) бўлган мутлақ ҳуқуқи қонун билан муҳофаза этилади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Мутлақ ҳуқуқлар объектлари бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситалардан учинчи шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан фойдаланишлари мумкин.

##### **37-модда. Тадабиркорлик фаолияти субъектларининг тижорат сири ва ошкор этилмаган ахборотини ҳимоя қилиш**

Тижорат сири бўлган, учинчи шахсларга маълум

бўлмаган ахборот (ошкор этилмаган ахборот) учинчи шахсларга маълум эмаслиги, қонуний асосда ундан эркин фойдалана олиш мумкин эмаслиги ҳамда ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чораларини кўраётганлиги туфайли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлган ҳолларда ҳимоя қилинади.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмийликни бажаришдан (уни давлат рўйхатидан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни ҳимоя қилиш қоидалари қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга (давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳамда мол-мулк хусусида тузилган битимлар ҳақидаги маълумотларга, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этилиши керак бўлган маълумотларга ва бошқа маълумотларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асосларсиз олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик оқибатида бу ахборотнинг қонуний эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни мустақил равишда ва қонуний тарзда олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланганлик учун унинг олдида жавоб бермайди.

### **38-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда, шу жумладан бой берилган фойдани қўшиб қопланиши керак. Зарар етказувчи бўлмаган шахс зиммасига қонун билан зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юклатилиши мумкин.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқа-

риш органларининг ноқонуний қарорлари натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни, уларнинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши керак.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни суднинг қарори асосида қопланиши керак.

### **39-модда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг чекланиши**

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ режали тартибда, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа нормалар ва қоидаларга риоя этадиган, ҳар йиллик тегишли аудиторлик хулосаларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишдан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Ўтказилаётган текширишлар тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб боришига тўсқинлик келтириб чиқармаслиги лозим.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоси бўлмиш тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш мазкур палата вакилларининг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Кўзғатилган жиноий ишнинг мавжудлиги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан текшириш учун асос бўлади. Бунда тад-



биркорлик фаолияти субъектининг кўзғатилган жиной иш билан боғлиқ фаолиятигина қамраб олиниши мумкин, бу ҳақда текширув тайинланганлиги тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколат доирасига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқига эга.

Текшириш натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик фаолияти субъектида қолади.

#### **40-модда. Текширишни амалга ошираётган мансабдор шахсларга доир талаблар**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текширишга киришишига мазкур шахсларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган текширишни ўтказиш режасидан кўчирма, назорат қилувчи органнинг текширувчи мансабдор шахслар таркиби ҳамда текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи нусхаси, текширувчи мансабдор шахсларнинг шахсий гувоҳномалари бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари текширишларни рўйхатга олиш китобига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ёзувни киритадилар.

## **V. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**

### **41-модда. Давлат бошқарув органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни, мавжуд муаммоларни ўрганишни ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишни амалга оширади;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига молиявий, моддий-техник ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда кўмаклашади;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўз маҳсулотларини ташқи ва ички бозорларда реализация қилишда кўмаклашади;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хил хизматлар тизими ривожлантирилишини ташкил этади;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига кадрларни тайёрлашда, қайта тайёрлашда ва уларнинг малакасини оширишда кўмаклашади;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа фаолиятни амалга оширади.

### **42-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилайди;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа фаолиятни амалга оширади.

#### **43-модда. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши**

Тадабиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни (шу жумладан чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш учун, шунингдек бозор инфратузилмаси институтларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

экспорт-импорт операциялари, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда тадабиркорлик фаолияти субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадабирларини кўриш;

тадабиркорлик фаолияти субъектлари самарали фаолият юритиши учун уларни зарур ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва бошқа хил ахборотлар билан таъминлаш;

зооветеринария хизмати кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиш;

солиқлар, йиғимлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар белгилаш.

Тадабиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **44-модда. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш фондлари**

Тадабиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фондлар тузилиши мумкин.

#### **45-модда. Тезлаштирилган амортизация**

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш чиқимларига мўлжалланган харажатларга кири-тиб, асосий фондларнинг тезлаштирилган амортизация-сини тегишли асосий фондлар учун белгиланган нор-мадан икки мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдор-да қўллашга ҳақли.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аморти-зация ажратмалари ажратиб келинган ва уч йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилган асосий фондлар дастлабки қийматининг эллик фоизига қадарини ҳисоб-дан чиқариш ҳуқуқига эга.

Кичик ёки хусусий корхона ишга тушган пайтдан эътиборан икки йил ўтгунга қадар тугатилган тақдир-да, қўшимча равишда ҳисоблаб чиқарилган (тезлашти-рилган) амортизация суммаси кичик ёки хусусий кор-хонанинг баланс фойдаси кўпайиши ҳисобига қайта-рилиши керак.

#### **46-модда. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига энергия таъминоти манбаи истеъмолидаги имтиёзлар**

Энергия таъминоти манбаи бўйича қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган имтиёз-ли тарифлар қишлоқ жойларда жойлашган ҳамда фао-лият олиб бораётган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ этилади.

#### **47-модда. Тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлашни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш**

Давлат тадбиркорлик фаолияти субъектлари кадрла-рини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ривожлантирилишини таъминлайди.

Қишлоқ жойлардаги тадбиркорлик фаолияти субъект-ларининг кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ма-лакасини оширишни амалга ошираётган муассасалар ва ташкилотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

### **48-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)**

Тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш унинг мол-мулки мулкдорининг ёки бундай корхоналарни тузишга ваколатли органнинг қарорига мувофиқ ёхуд суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти тугатилаётганида бўшаб қолаётган ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилиши кафолатланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти у давлат рестридан чиқарилган пайтдан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятининг тўхтатилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **49-модда. Давлат органлари ва бошқа органларнинг қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш**

Тадбиркорлик субъектлари давлат органлари ва бошқа органларнинг ноқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ўз хоҳишларига кўра бўйсунув тартиби асосида юқори органлар ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги юзасидан давлат органлари ва бошқа органларнинг қарори, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади.

### **50-модда. Низоларни ҳал этиш**

Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

**51-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Тадабиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 25 май,  
69-II-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ\*

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 8-модда; 2000 йил,  
5-6-сон, 153-модда; 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **2-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Прокурор назорати тартибда амалга ошириладиган давлат назорати тегишли қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

---

\* 1999 йил 19 январдан кучга киритилган.

### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**назорат қилувчи органлар** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

**текшириш** — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

**текширишларни қайд этиш дафтари** — ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган махсус дафтар; *(тўртинчи хат боши Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

**тафтиш** — молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириш;

**муқобил текшириш** — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

**назорат тартибида текшириш** — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

### 4-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шакллари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:



текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;

идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **5-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ара-лашмаслик.

### **6-модда. Текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома ва ушбу Қонуннинг 9 ва 12-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгани тақдирда йўл қўйилади.

Текширувга аудиторлик ташкилотлари ва (ёки) экспертлар жалб этилгани тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан назорат қилувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва (ёки) эксперт ўртасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси албатта тақдим этилади. Шарт-

номада аудитор ва (ёки) экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак. Аудитор ва (ёки) эксперт хулосасининг тўғрилиги ва унинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун аудиторлик ташкилоти ва (ёки) экспертнинг жавобгарлиги гузиладиган шартноманинг зарурий шарти ҳисобланади. Аудиторлик текширувлари ва экспертизаларни ўтказиш харажатлари назорат қилувчи органлар ҳисобига амалга оширилади.

*(модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

### **7-модда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

### **8-модда. Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари**

Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

Махсус ваколатли органни тузиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **9-модда. Текширишларни ўтказиш учун асос**

Назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан тафтишдан ўтказиш учун, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, қуйидагилар асос бўлади:

махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;

назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органнинг режадан ташқари текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган қарорлари.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун қўзғатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

*(модда матни Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Конуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

## **10-модда. Текширишлар даврийлиги**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали тарзда текширишлар махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла миқдорда тўловчи, бошқа тартиб ва қоидаларга риоя қилувчи, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади. *(иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил*

### **11-модда. Текширувлар муддатлари**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

### **12-модда. Режадан ташқари текширув**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи асос бўлиб хизмат қилади. *(биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қароридан келиб чиққанда;

назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда;

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

### **13-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш**

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш солиқ органлари ҳамда бошқа назорат қилувчи орган-

лар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **14-модда. Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш**

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Комплекс текширувлар махсус ваколатли орган тасдиқлаган режалар асосида ўтказилади.

#### **14'-модда. Муқобил текширишлар**

Хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларга уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари юзасидангина йўл қўйилади.

*(модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

#### **15-модда. Назорат тартибида текшириш**

Назорат тартибида текшириш назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

## **16-модда. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик; *(биринчи қисмнинг бешинчи хат бошиси Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

## **17-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

текширувга аудиторлик ташкилотларини ва (ёки) экспертларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш; *(биринчи қисмнинг бешинчи хат бошиси Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда)*

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда моливиий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш;

режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, махсус ваколатли органга тақдимнома киритиш. *(биринчи қисмнинг еттинчи хат бошиси Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда)*

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик;

текширишларни қайд этиш дафтарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзиб қўйиш; *(учинчи қисм-*

нинг учинчи ва тўртинчи хат бошилари *Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда*)

давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;

текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текшири-лаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш;

хуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

### **18-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фао- лиятига аралашмасликни кафолатлаш**

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чоратадбирларни кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашшиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари натижа-сида хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар — товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари аъзоларининг фаоли-ятини текшириш уларнинг вакиллари иштирокида амал-га оширилиши мумкин. *(тўртинчи қисм Ўзбекистон Респуб-ликасининг 2000 йил 15 декабрь Қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 1-2-сон, 23-модда)*



**19-модда. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш**

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсунуш тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Шикоятни бериш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қилинган шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

**20-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 24 декабрь,  
717-1-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ\*

## ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 8-сон, 102-модда;  
2001 йил, 6-сон, 122-модда)*

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашушга йўл қўймаслик мақсадида:

1. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги ПФ-2886-сонли Фармони билан ўз кучини йўқотган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 6-сон, 122-модда)

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши иловага\*\* мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилади. (иккинчи хат боши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги ПФ-2886-сонли Фармони таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 6-сон, 122-модда)

Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда текширишларни амалга оширувчи марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

---

\* 1996 йил 8 августдан кучга кирган.

\*\* Илова берилмайди.

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши:

режа асосида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик, ярим йиллик ҳамда ҳар бир чоракка мўлжалланган жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

комплекс текширишларни ўтказиш амалиётга жорий этилсин, бунда бир корхонадаги текшириш барча ваколатли ташкилотлар томонидан амалга оширилади, шунинг ҳисобига ўтказиладиган текширишлар сони ва масалаларни такрорлаш кескин камайтирилсин.

5. Хўжалик юритувчи субъектларни текширадиган идоравий тафтиш хизматларининг мавжудлиги мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари (Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги бундан мустасно), концернлар, корпорациялар, уюшмалар мавжуд тафтиш хизматларини тугатсинлар ва ўз таркибларидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил этишнинг аудиторлик шаклларини қўлласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги мазкур банднинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, 1997 йил бюджетида бошқарув идораларининг лавозимлари рўйхатидаги тегишли ўзгаришларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текширишларни тартибга солиш тўғрисида» 1993 йил 10 декабрдаги 696-сон Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 8 ноябрдаги 574-сон Фармойишининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 8 август,  
ПФ-1503-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ\*

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 10-11-сон, 209-модда;  
2001 йил, 6-сон, 122-модда)*

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар соинини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барча текширишларини ўтказиш бир йўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутган ҳолда фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади;

мазкур субъектларнинг фаолиятини муқобил тарзда текширишларни ўтказиш текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида жиноий ишлар бўйича тергов давомида ёки фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Хўжалик субъектларида муқобил текширишлар ўтказилишига фақат уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади;

---

\* 1998 йил 19 ноябрдан кучга кирган.

солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа норма ва қоидаларга риоя этадиган, аудиторларнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат органлари томонидан ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан фақат қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов тартибда текширилади. Бунда мазкур субъектларнинг фақат қўзғатилган жиноий иш билан боғлиқ бўлган фаолияти текширилиши мумкин, бу ҳақда текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилиши лозим;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳар қандай текширишларини ўтказиш чоғида назорат органларининг мансабдор шахслари текширишларни рўйхатга олиш китобига қонунчиликда белгиланган тартибда ёзиб қўядилар.

*(банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги ПФ-2886-сонли Фармони таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 6-сон, 122-модда)*

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига республика ҳамда маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек қўшма бюджетда ҳисобга олинadиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молияланадиган муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш вазифаси юклансин. Зарур ҳолларда ана шу текширишларни амалга ошириш учун солиқ ва бошқа назорат органлари жалб қилиниши мумкин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

назорат органлари томонидан ҳар қандай текширишни ўтказиш муддати 30 календарь кунидан ошиб кетиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ узайтирилиши мумкин; *(иккинчи хат боши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги ПФ-2886-сонли Фармони таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 6-сон, 122-модда)*

аудиторлик текширишларини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар ана шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат тариқасида текшириш ва муқобил текширишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик солиқ ва молия органларининг, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органларининг, шунингдек давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган бошқа органларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин. *(банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги ПФ-2886-сонли Фармони таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 6-сон, 122-модда)*

5. Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг янгиланган таркиби ва у ҳақдаги Низом 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши бир ой муддатда вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан ҳудудлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш борасида 1999 йилги мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқилишини таъминласин, бунда комплекс текширишларни кенг жорий этиш асосида уларни ўтказиш даврийлиги ва муддатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқларни ва мажбурий тўловларни тўлашдан ашаддий бўйин товлаш фактларининг ҳар бири бўйича чора кўриш учун йилнинг ҳар чорагида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига ўз таклифларини тақдим қилсин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар:

икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

---

\* Иловалар берилмайди.

молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар белгиланган тартибда аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган қонидани татбиқ этсинлар. Бир ой муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар учун махсус гувоҳномалар жорий қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини назорат қилишни таъминласин, назорат органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари хусусида Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг тақдимномаларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонунда кўзда тутилган чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юқори кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш сабабларини мунтазам таҳлил этиб, уларни тугатиш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио», оммавий ахборот воситалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ишларини ўтказиш қоидаларини, уларнинг

ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенг тушунтириб берсинлар, шунингдек назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш фактларини ёритиб борсинлар.

11. 1998 йил 8 июндаги ПФ-2008-сон Фармоннинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 19 ноябрь,  
ПФ-2114-сон



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ\*

## КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга доир вазифалардан келиб чиққан ҳолда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришни кучайтириш, тадбиркорлар фаолиятини фаоллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли кафолатини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султоновга Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини сушт ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

3. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг янгиланган таркиби 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига уларнинг лавозимиغا янги тайинланган шахслар киритилади.

4. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш-

---

\* 2000 йил 17 февралдан кучга кирган.

\*\* Илова берилмайди.

ни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ўз фаолиятида эътиборни қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратсин:

қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши устидан мониторинг ўтказиш, тадбиркорларнинг улар фаолиятига ҳокимият ва бошқарув органларининг асоссиз аралашувидан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш;

тадбиркорларга кредит ва кичик кредит олишда кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари ва таклифлари танлов асосида саралаб олинишини таъминлаш;

тадбиркорларга моддий-техника ресурслари олишда ҳамда уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотишда кўмаклашиш;

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш мониторингини амалга ошириш, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга ва уни ривожлантиришни рағбатлантиришни кучайтиришга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлар ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнес учун консалтинг, лизинг, суғурта хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича бозор инфратузилмаси ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

5. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи органи функцияларининг тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклансин.

6. Адлия вазирлиги тузилмасида ходимлари сони 12 нафардан иборат бўлган Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ходимлар сони 2-иловага\* мувофиқ бўлган тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

Қуйидагилар кўрсатиб ўтилган бошқарма ва бўлимларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

---

\* Илова берилмайди.

янги ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қонун ҳужжатларига ва меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

назорат органлари ўтказаетган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш;

кичик ва ўрта корхоналар, хусусий тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашини, давлат тузилмалари ва амалдорлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан зимдан қаршилик кўрсатишнинг барча ҳоллари устидан мониторингни амалга ошириш. Ҳар бир ҳолат бўйича айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка бўлган жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги марказий аппаратининг 6 ходимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг иккитадан, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари адлия бошқармаларининг биттадан ходимининг жорий харажатлари учун қўшимча маблағларни назарда тутсин. Бошқарма ва ҳудудий бўлимларнинг қолган ходимлари ходимларнинг тасдиқланган сони доирасида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалар тузилмасини қайта кўриб чиқсин, Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси ва бўлимлари тузилмасини ҳамда улар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

7. Кўрсатиб ўтилган вазибаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

барча вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза

қилиш ва назорат органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилишини текшириш;

кўрсатиб ўтилган органлар раҳбарларига қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, бузилиш сабабларини, сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатларини ёки қарорларини тўхта-тиб қўйиш;

тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини, уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судларга, шу жумладан, ҳўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги 116-сон қарори 5-бандининг биринчи хат бошидаги «Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов бошчилигида» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 июлдаги 335-ф-сон фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 мартдаги 118-ф-сон фармойиши 1-бандининг биринчи хат боши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси Б.С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 17 февраль,  
57-сон

**НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР  
ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ  
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ  
ҚАРОРИ\***

**НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН  
ЎТКАЗИЛАДИГАН ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ  
СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида  
2001 йил 26 апрелда 1029-сон  
билан рўйхатга олинган**

*(Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат  
қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари  
Ахборотномаси, 2001 йил, 8-сон; 2002 йил, 7-сон)*

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон Фармони билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тўғрисидаги низом ва Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2000 йил 30 декабрдаги 5-сон баённомаси III-бўлимининг 2-бандига асосан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши **қарор қилади:**

1. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қуйидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

---

\* 2001 йил 6 майдан кучга кирган.

1994 йил 30 апрелдаги 1/2-г қарори;  
1999 йил 9 августдаги 3-сонли баённоманинг 4.1, 4.2  
ва 4.4-бандлари;  
1999 йил 19 ноябрдаги 4-сонли баённоманинг 4.1 ва  
4.2-бандлари;  
2000 йил 11 ноябрдаги 4-сонли баённоманинг 4.2, 6  
ва 7-бандлари.

**Раис**

**Т. Алимов**

Тошкент шаҳри,  
2001 йил 23 апрель,  
01-сон

Назорат қилувчи органлар  
фаолиятини мувофиқлашти-  
рувчи республика кенгаши-  
нинг 2001 йил 23 апрелдаги  
01-сон қарори билан  
тасдиқланган

## **НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаш-  
тирувчи республика кенгаши (кейинги ўринларда — Кен-  
гаш), Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вило-  
ятлар ва Тошкент шаҳри бўйича (кейинги ўринларда —  
вилоят комиссиялари), туманлар ва шаҳарлар бўйича  
(кейинги ўринларда — туман комиссиялари) ҳудудий ко-  
миссиялари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини  
текшириш режа-жадвалини тузишда «Хўжалик юритувчи  
субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш  
тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг  
кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг  
Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

1996 йил 8 августдаги ПФ–1503-сон «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги, 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сон «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонлари, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 6 апрелда 917-сон билан рўйхатга олинган Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек ушбу Низомга амал қиладилар.

2. Ушбу Низом келгусида хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик, шунингдек тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

3. Ушбу Низомда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан келиб чиқувчи қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**назорат қилувчи органлар** — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

**текшириш** — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

**қисқа муддатли текшириш** — назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширув;

**комплекс текшириш** — бир вақтнинг ўзида икки ва ундан кўп назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш;

**режадан ташқари текшириш** — назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик)

текширишлар режасига киритилмаган текшириш (жумладан қисқа муддатли);

**муқобил текшириш** — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

**назорат тартибида текшириш** — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

4. Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддати 30 календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда Кенгаш қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

5. Текширишларни мувофиқлаштириш масалалари билан шуғулланувчи раҳбарлар, масъул шахслар тайёрланаётган текширишлар режа-жадвалида мавжуд бўлган маълумотларнинг сир сақланиши ва ушбу маълумотларнинг фақатгина хизмат мақсадларида фойдаланилиши учун шахсан жавобгардирлар.

6. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу ҳуқуқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Кенгаш ёки унинг ҳудудий комиссияларининг ишчи органларидан бундай ахборотни олиш йўли билан амалга оширилади.

## II. Режали текширишлар

7. Йиллик (чораклик) текширишлар режа-жадвалини ишлаб чиқиш 1-сонли иловага мувофиқ амалга оширилади.

8. Назорат қилувчи органлар томонидан йиллик (чораклик) режали текширишлар ўтказиш ва тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлар 2-сонли иловага мувофиқ шаклда тақдим этилади.

Назорат қилувчи органлар ўзлари томонидан ишлаб чиқилган мезонлардан ва ўз фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда текширишлар режа-жадвалига таклифлар тайёрлаш учун объектлар бўйича чуқур сараловни амалга оширадилар.



9. Таклифлар асосида Кенгаш томонидан, комплекс текширувлар ажратиб кўрсатилган ҳолда, йиллик (чораклик) текширишлар режа-жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бунда, агар:

талаб қилинаётган текширишлар тегишли назорат қилувчи органнинг ваколатига кирмаса;

хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бундан олдинги текшириш, ушбу назорат қилувчи орган томонидан охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган бўлса (молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва комплекс текширишлар ўтказиш бўйича таклифлардан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги қарорининг 1-сонли иловасида кўрсатилган талабларни таъминловчи хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини бундан олдинги текшириш охириги 24 ой ичида амалга оширилган бўлса, текширишлар режа-жадвалига назорат қилувчи органнинг таклифлари киритилмайди.

10. Йиллик (чораклик) текширишлар режа-жадвалини ишлаб чиқишда Кенгаш ва тегишли даражадаги ҳудудий комиссиялар ишчи органлари режа-жадвал лойиҳасига фақатгина шунга ўхшаш даражадаги назорат қилувчи органлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган текширишларни киритади. Бунда назорат қилувчи органлар томонидан:

Кенгашнинг ишчи органига — назорат қилувчи органлар марказий аппаратлари томонидан текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича;

вилоят комиссиялари ишчи органларига — назорат қилувчи органлар вилоят бўлинмалари томонидан текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича;

туман комиссиялари ишчи органларига — назорат қилувчи органлар туман бўлинмалари томонидан текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича тегишли таклифлар тақдим этилади.

11. Режа ишлаб чиқишнинг барча даражаларида текширишларни ўтказиш бўйича таклифларни мувофиқлаштириш Кенгаш ва тегишли ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари томонидан, зарурият бўлганида, назорат қилувчи органлар ва уларнинг бўлинмалари вакиллари иштирокида амалга оширилади.

12. Назорат қилувчи органларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, объектив асослар мавжуд бўлганида текширишлар режа-жадвалига ҳар чорақда ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бунда режага қўшимча текширишларни киритиш тўғрисидаги таклифлар тегишли асослар ва ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида кўрсатилган талаблар эътиборга олинган ҳолда киритилиши лозим. Навбатдаги чорақлик текширишлар режа-жадвалига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги асосланган таклифлар Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

13. Режа-жадваллар ёки текширишлар режа-жадвалига қўшимчалар айнан бир хўжалик юритувчи субъектни бир йил давомида бир мартадан ортиқ текширилишини назарда тутиши мумкин эмас.

14. Юзага келган режадан ташқари текширишлар ўтказилиши учун асос бўлган ҳолатларга кўра режали текширишларни ўтказиш муддатларини кўчиришга Кенгаш раиси ёки унинг ўринбосари томонидан рухсат берилиши мумкин.

15. Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бош бухгалтерларининг бўлмаганлиги туфайли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини белгиланган муддатда режали текшириш ўтказиш имконияти бўлмаган тақдирда, Кенгаш ва унинг вилоятлар комиссиялари раислари ёки уларнинг ўринбосарлари, алоҳида ҳолларда бундай хўжалик юритувчи субъектларнинг текширилишини назорат қилувчи органлар марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тақдим қилинган асосларга кўра бошқа муддатга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

### **III. Режадан ташқари текширишлар**

16. Режадан ташқари (шу жумладан, қисқа муддатли) текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қароридан келиб чиққанда. Бунда агар Ҳукумат қароридан текшириш ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект номи аниқ кўрсатилган бўлса, Кен-

гаш ёки унинг вилоят комиссиясининг розилигини олиш талаб қилинмайди;

назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда. Қўшимча маълумотлар сифатида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг қонунбузилиш ҳолатлари аниқ исботланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумоти хизмат қилиши мумкин;

фавқулўдда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

17. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш зарурияти ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган сабабларга кўра юзага келганида (Хукумат қарорларида текширилдиган хўжалик юритувчи субъектнинг номи аниқ кўрсатилиб, текшириш ўтказиш ҳолларидан ташқари) режадан ташқари текшириш ўтказилиши учун назорат қилувчи органнинг марказий аппарати Кенгашга, назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари эса — вилоят комиссияларига унинг ўтказилиш зарурлигини асослантирган ҳолда 3-сонли иловага мувофиқ шаклда буюртма юборади.

18. Назорат қилувчи орган ҳудудий бўлинмасининг хўжалик юритувчи субъектни молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш бўйича буюртмаси вилоят комиссияси томонидан ушбу текширишнинг ўтказилишига рухсат бериш ёки уни рад қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун Кенгашга юборилади.

19. Хўжалик юритувчи субъектни молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда режадан ташқари, қисқа муддатли текшириш зарурияти ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган сабабларга кўра юзага келганида, назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари Кенгашга, назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари эса — вилоят комиссияларига бундай текшириш ўтказилиши бўйича таклифларни тегишли асослантиришлар билан 3-сонли иловага мувофиқ шаклда тақдим этади.

20. Кенгаш ва унинг вилоят комиссиялари ишчи органлари тегишли назорат қилувчи органлар билан биргаликда тақдим қилинган буюртмаларнинг асослилигини ўрганади, режадан ташқари текшириш ўтказиш ёки уни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кенгашга ва унинг вилоят комиссияларига тегишли таклифлар кирилади.

21. Режадан ташқари текшириш ўтказиш ёки уни рад қилиш тўғрисидаги қарор буюртма келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафталик муддатдан кечиктирилмаган ҳолда қабул қилинади ҳамда қарор ёки хат кўринишида расмийлаштирилиб, тегишлича Кенгаш раиси (ёки унинг топшириғи бўйича ўринбосари) ёхуд вилоят комиссияси раиси томонидан имзоланади ва назорат қилувчи органга юборилади.

22. Санитария-эпидемиология ҳолати мураккаблашиши, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган режадан ташқари текшириш ўтказилиши тўғрисидаги қарор, санитария ва экология назорати органларининг текшириш ўтказиш бўйича мурожаатлари асослан-тирилган тақдирда, буюртма келиб тушган куни зудлик билан қабул қилинади.

23. Юқори турувчи назорат қилувчи органлар ўзларининг ҳудудий бўлинмаларига ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича топшириқларни фақат уларни ўтказиш тўғрисида Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси қарори мавжуд бўлгандагина юборади.

#### **IV. Муқобил текширишлар ва назорат тартибида текширишлар**

24. Ҳўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишлар ўтказиш назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишлича Кенгаш ва унинг вилоят комиссияси қарори бўйича, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича эса — текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида фақат уларнинг текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари қисмидагина йўл қўйилади. Бунда ҳўжалик юритувчи субъектнинг текширилаётган объект билан ўзаро муносабатлари деганда шахсларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган аниқ муносабатини тушуниш лозим.

25. Муқобил текширишларни ўтказиш учун назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг бўлинмалари тегишли Кенгашга ёки унинг вилоят комиссияларига 3-сонли иловага мувофиқ шаклда буюртма юборди.

Буюртмага текшириш ўтказиш зарурлигини асословчи ҳужжатлар илова қилинади.

26. Етарли асослар мавжуд бўлганда, назорат қилувчи органнинг буюртмаси келиб тушган кундан бошлаб бир ҳафталик муддатдан кечиктирмасдан назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари буюртмалари бўйича Кенгаш раиси (ёки Кенгаш раиси топшириғи бўйича унинг ўринбосари) томонидан, назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари буюртмалари бўйича эса вилоят комиссияси раиси томонидан муқобил текшириш ўтказиш ёки ўтказишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

27. Назорат тартибида текширишлар ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан фақат ўзлари ўтказган текшириш натижаларига доир далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар ва муддатлар бўйича Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг қўшимча рухсатсиз амалга оширилади.

## **V. Назорат қилувчи органларнинг Кенгаш (ҳудудий комиссиялар) билан қўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари**

28. Назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда Кенгаш (ҳудудий комиссиялар) билан қўшимча келишувсиз назорат функциялари амалга оширилади:

Марказий ва тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг мақсадли фойдаланилиши ва қайтарилиши устидан назорат қилинганда;

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология хизмати ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Кенгаш билан келишилган объектларда тупроқ, оқова ва устки сувларни ифлослаш манбаларининг (саноат корхоналарининг ифлослаш манбаларида атроф муҳитга ифлослантириш моддаларини чиқариш ва ташлаш намуналарини асбоблар билан танлаш) мониторинги ўтказилганда;

Давархқурилиш назорат органлари ва қурилиш буюрт-

мачилари, шунингдек буюртмачилар ва пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида шартномалар мавжуд бўлган ҳолда, қурилиш ишлари сифатининг қурилиш нормалари ва қоидаларига, республика стандартлари, Давстандартларга ва техник талабларга мувофиқлиги назорат қилинганда;

Кенгаш билан келишилган рўйхат асосида ғалла қабул қилувчи корхоналар, тегирмонлар ва элеваторларнинг омборхоналарида Ўздавдонинспекция бўлинмалари томонидан ғалланинг намлиги ва ифлосланганлиги намуналар олиш йўли билан таҳлил қилинганда;

тегишли рўйхатга олувчи органлар томонидан қабул қилинган қарорлар асосида қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда корхоналар тугатилганда;

суд ижрочилари томонидан амалга ошириладиган суд қарорларининг ўз вақтида ижро қилиниши юзасидан назорат қилинганда;

адлия органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатилганда, шунингдек тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда;

Ўздавстандарт ёки унинг топшириғи бўйича махсус ваколатли шахс (эксперт-аудитор) томонидан зарурат туғилганда (синовларнинг, сертификатлашнинг сифатли ўтказилмаётганлиги, носоз асбоб-ускуналар, малакаси бўлмаган мутахассисларнинг ишлатилиши ва ҳ. к. тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда) Ўздавстандарт томонидан аккредитация қилинган ва лицензия берилган синов лабораториялари (марказлари)нинг лицензия шартномалари шартларига риоя этилиши устидан назорат қилинганда;

Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг Кенгаш билан келишилган объектларга доимий бириктирилган ва у ерда фаолият кўрсатадиган нозирлари томонидан объектларда ишларни беҳатар олиб бориш ва юкларни ташиш ҳолати устидан назорат амалга оширилганда;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси томонидан тижорат банклари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарда Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган давлат фонди маблағларидан мақсадли фойдаланилиш билан боғлиқ масала-

лар бўйича назорат амалга оширилганда, бунда кўрсатилган текширишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тасдиқланган режа ва буйруқлар асосида амалга оширилади;

Кенгаш томонидан ушбу масала бўйича махсус қарор қабул қилинганда.

29. Назорат қилувчи органлар томонидан ушбу Низомнинг 28-бандига мувофиқ ўтказилган назорат чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар ўтказиладиган текширишлар тўғрисидаги чорақлик маълумотларга киритилмайди, йил якунлари бўйича эса Кенгашга ушбу назорат функцияларини амалга ошириш тўғрисида умумлаштирилган ахборот тақдим этилади.

## **VI. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш**

30. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **VII. Текшириш режа-жадвалларига риоя қилиниши юзасидан мониторинг**

31. Текшириш режа-жадвалларига риоя қилиниши юзасидан мониторингни Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари амалга оширади.

32. Назорат қилувчи органлар:

тегишли ҳудудий комиссиялар ва назорат қилувчи органларнинг юқори турувчи бўлинмаларига маълумотларни умумлаштириш ва ҳисобот даври якунлари бўйича жамланма маълумотларни Кенгашнинг ишчи органига тақдим этиш учун ҳар чорақда ўтказилган текширишлар тўғрисида 4 ва 4а-сонли иловаларга\* мувофиқ шакл ва мuddатларда маълумот тақдим этадилар;

мунтазам равишда, лекин ҳар чорақда камида бир марта тегишли вилоят ва туман комиссиялари ишчи

---

\* 4 ва 4а-сонли иловалар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2002 йил 30 мартдаги 01-сон қарори таҳририда (2002 йил 15 апрелда 1029-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 7-сон).

органларининг компьютердаги маълумотлар банкига киритиш учун, улар томонидан ҳисобот даврида ўтказилган текширишларнинг бошланиши ва тамомланиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этадилар.

33. Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссияларининг ишчи органлари назорат қилувчи органлар томонидан юқорида кўрсатилган маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тақдим этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.



## Текшириш режа-жадвалларини ишлаб чиқиш ТАРТИБИ

№№ Т/Р	Ишлаб чиқиш босқичи	Хужжат ким томонидан тақдим этилади	Хужжат кимга тақдим этилади	Тақдим этиш муддатлари
1.	Назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари томонидан келгуси йилда ўтказиладиган текширишлар бўйича режага таклифлар тақдим этиш	Назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари томонидан	Кенгашнинг ишчи органига	Ўтаётган йилнинг 15 октябрга
2.	Назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари томонидан келгуси йилда ўтказиладиган текширишлар бўйича режага таклифлар тақдим этиш	Назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари томонидан	Назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмаларига	Ўтаётган йилнинг 15 октябрга
3.	Назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари даражасида мувофиқлаштирилган келгуси йил учун текширишлар режа-жадвали лойиҳасини юбориш	Кенгашнинг ишчи органи томонидан	Вилоят комиссияларига	Ўтаётган йилнинг 5 ноябрга
4.	Назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари томонидан келгуси йилда ўтказиладиган текширишлар бўйича режа-жадвалига таклифлар тақдим этиш	Назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари томонидан	Вилоят комиссияларига	Ўтаётган йилнинг 5 ноябрга
5.	Назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари даражасида мувофиқлаштирилган келгуси йил учун текширишлар режа-жадвали лойиҳасини юбориш	Вилоят комиссиялари ишчи органлари томонидан	Туман комиссияларига	Ўтаётган йилнинг 15 ноябрга

№№ Т/р	Ишлаб чиқиш босқичи	Хужжат ким томонидан тақдим этилади	Хужжат кимга тақдим этилади	Тақдим этиш муддатлари
6.	Назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлиномалари томонидан келгуси йилда ўтказиладиган текширишлар буйича режа-жадвалига таклифлар тақдим этиш	Назорат қилувчи органларнинг туман бўлиномалари томонидан	Туман комиссияларига	Ўтаётган йилнинг 15 ноябрга
7.	Туман (шаҳар) даражасида келгуси йил учун текширишлар режа-жадваллари лойиҳаларини ишлаб чиқиш	Туман комиссияларининг ишчи органлари томонидан	Вилоят комиссияларига	Ўтаётган йилнинг 25 ноябрга
8.	Вилоят даражасида келгуси йил учун текширишлар режа-жадваллари лойиҳаларини ишлаб чиқиш	Кенгашнинг вилоят комиссиялари ишчи органлари томонидан	Кенгашнинг ишчи органига	Ўтаётган йилнинг 1 декабрга
9.	Республика даражасида келгуси йил учун текширишлар режа-жадвали лойиҳасини ишлаб чиқиш	Кенгашнинг ишчи органи томонидан	Кенгашга	Ўтаётган йилнинг 15 декабрга
10.	Келгуси йил учун текширишлар режа-жадвалини тасдиқлаш (ҳар бир чорақда аниқлаштирилган ҳолда)	Кенгаш томонидан	Назорат қилувчи органларга, вилоят комиссияларига	Ўтаётган йилнинг 20 декабрга (тегишли чоракнинг бошланишидан бир ҳафта олдин)

200\_\_ йилда \_\_\_\_\_  
 (назорат қилувчи органнинг номи)  
 томонидан ўтказиладиган текширишлар

### РЕЖА-ЖАДВАЛИ ЛОЙИХАСИ

№№ Т/р	Вилоят, туман номи	Хўжалик юритувчи субъектнинг номи	Солик тулов- чининг иден- тифи- кация рақами	Текширишни амалга оширувчи назорат қилувчи органлар ва уларнинг булинмалари	Теки- ришни бошлаш санаси	Теки- ришни тугатиш санаси	Охирги текшириш ўтказилган муддат

(назорат қилувчи орган раҳбари)

200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

(назорат қилувчи орган номи)

**Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш учун  
БҮЮРТМА**

№№ Т/р	Хўжалик юритувчи субъектнинг номи	Солик тў- ловчининг идентифи- фикация рақами	Жойлашган ери	Текшириш тури	Текшириш ўтқа- зиш учун таклиф қилинаётган муддат	Охириги текшириш ўтказилган муддат
1	2	3	4	5	6	7

(назорат қилувчи орган раҳбари)

200\_\_ йил «\_\_»

**Изоҳ:**

5 устунда текширишнинг қуйидаги турларидан бири кўрсатилади:

— молия-хўжалик фаолиятини текшириш,

— қисқа муддатли текшириш,

— муқобил текшириш.

200\_\_ йилнинг \_\_\_ ойларида

(назорат қилувчи орган номи)

## томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишлар тўғрисида МАЪЛУМОТЛАР

№	Назорат қилувчи органнинг номи	Ўтган йилнинг гегишли даврида	Режаз бўйича	Ҳақиқатда	Ўтказилган текширишлар сони			Белгиланган муддатларни бузган ҳолда ўтказилган текширишлар
					Шу жумладан, режадан ташқари текширишлар		7	
					Жами	Шу жумладан, Кенгаш ёки худудий комиссиянинг руҳсатисиз		
1	2	3	4	5	6	7	8	

(назорат қилувчи орган раҳбари)

200\_\_ йил «\_\_»

**Изох:**

- 1) Ушбу шаклдаги маълумот тегишли худудий комиссияларнинг ишчи органларига назорат қилувчи органларнинг туман (шаҳар) бўлима-лари томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойдан 3 кунига қадар, назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлималари томонидан шаҳарлар ва туманларга ажратилган ҳолда умумлаштирилиб, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 7 кунига қадар, назорат қилувчи органларнинг марказий аппа-ратлари томонидан эса ўзларининг вилоятлар бўлима-ларига ажратилган ҳолда умумлаштирилиб, Кенгашнинг ишчи органига ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10 кунига қадар бўлган муддат ичда тақдим этилади.
- 2) Назорат қилувчи органлар ушбу маълумотлар билан бирга худудий комиссияларнинг ишчи органларига ҳисобот даврида улар томони-дан муайян хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишлар мудатлари тўғрисида маълумот тақдим этадилар.
- 3) Кенгаш (худудий комиссия)нинг (7 уст.) руҳсатисиз текширишлар ўтказилган ёки текширишлар белгиланган муддатларни бузган ҳолда ўтказилганда (8 уст.) назорат қилувчи орган томонидан худудий комиссиялар ишчи органларига хўжалик юритувчи субъектларнинг руйхати 4-сонли илованинг қўшимчасига мурвасфқ шаклда тақдим этилади.

200\_\_ йилнинг \_\_\_ чорагида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқ-  
лаштирувчи республика кенгашининг (худудий комиссиянинг) руҳсатисиз ёки  
белгиланган муддатларни бузган ҳолда \_\_\_\_\_

(назорат қилувчи органнинг номи)

**томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишлар  
РЎЙХАТИ**

№	Хўжалик юритувчи субъектнинг номи	Текшириш учун асос	Текшириш бошланган сана	Текширилган кунлар сони	Қайси масала бўйича текшириш ўтказилган	Қўрилган чоралар, қарор сони ва санаси

(назорат қилувчи орган раҳбари)

200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

200\_\_ йилнинг \_\_\_ ойларида

(назорат қилувчи орган номи)

томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган  
текширишлар натижалари тўғрисидаги  
**МАЪЛУМОТЛАР**

(минг сўмда)

№	Назорат қилувчи органнинг номи	Ўтказилган текширишлар сони	Конун бузилишлар аниқланган хўжалик юритувчи субъектлар сони	Ўтказилган текширишлар сонига солиштира маъноси (фоизда)	Текширишлар натижалари бўйича молиявий иқтисодий санкциялар ҳисобланган	Улардан текширишлар натижалари бўйича ундирилган	Маъмурий жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар сони	Маъмурий жарималар ҳисобланган	Улардан маъмурий жарималар ундирилган
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

(назорат қилувчи орган раҳбари)

200\_\_ йил «\_\_»

Изоҳ: 6 уст. ва 7 уст. маъмурий жарималар ҳисобга олинмаган ҳолда тўлддирилади

Қорақалпоғистон Республикаси  
Адлия вазири, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар адлия бошқарма-  
лари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар прокурорлари ва  
уларга тенглаштирилган проку-  
рорларга

Қорақалпоғистон Республикаси  
Ички ишлар вазири, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар ички ишлар  
бошқармалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси  
Миллий хавфсизлик хизмати раи-  
си, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
миллий хавфсизлик хизмати  
бошқармалари бошлиқларига

## **МУҚОБИЛ ТЕКШИРИШЛАРНИ ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА КЎРСАТМА**

Муқобил текширишларни ўтказишда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай амал қилиш зарур.

Муқобил текшириш фақатгина операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослаш мақсадида амалга оширилиши лозим.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказишга фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари қисмида йўл қўйилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабати деганда шахсларнинг жиноят иши материаллари (ашёвий далиллар) билан тасдиқланган аниқ муносабатини тушуниш лозим.

Қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан муқобил текширишларни амалга ошириш учун асос бўлади.

Муқобил текширишни амалга ошириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан тегишли қарор чиқарилади.

Текширишда хўжалик юритувчи субъектнинг қўзғатилган жиноят иши билан ўзаро боғлиқ муносабатигина қамраб олиниши мумкин, бу ҳақда муқобил текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига



мувофиқ, муқобил текширишларни амалга оширувчи мансабдор шахслар Текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзув киритишлари шарт. Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 6 апрелда 917-сон билан рўйхатга олинган Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Муқобил текширишни белгиланган муддатда ўтказиш имконияти бўлмаганда, муқобил текшириш фақат муқобил текшириш ўтказиш муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшимча қарор асосида ўтказилиши мумкин.

Муқобил текшириш предмети билан боғлиқ бўлмаган ва текширишни тайинлаган органнинг қароридан кўрсатилмаган материалларни ва ахборотларни талаб қилиш, текшириш тақиқланади.

Муқобил текширишларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Муқобил текширишларни ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазири  
А.А. Полвон-зода  
2001 йил 8 январь  
20-21-2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурори  
Р.Х. Қодиров  
2001 йил 10 январь  
7-3-01-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири  
З.А. Алматов  
2001 йил 10 январь  
1-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси  
Р.Р. Иноятов  
2001 йил 9 январь  
9/48-сон

Қорақалпоғистон Республикаси  
Адлия вазирлигига, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар адлия бошқарма-  
лари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлигига, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар ички ишлар  
бошқармалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси  
Прокурорлигига, вилоятлар ва уларга  
тенглаштирилган прокурорларга

Қорақалпоғистон Республикаси  
Миллий хавфсизлик хизмати раи-  
сига, вилоятлар ва Тошкент ша-  
ҳар миллий хавфсизлик хизмати  
бошқармалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси  
ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ  
бош бошқармаси бошлиғига,  
вилоятлар давлат солиқ бошқармалари  
бошлиқларига

## **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА**

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда-  
ги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат  
томонидан назорат қилиш тўғрисида», 2000 йил 25 май-  
даги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолат-  
лари тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юри-  
тувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартиб-  
га солиш тўғрисида»ги Фармони ва улар асосида қабул  
қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан хўжа-  
лик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тарти-  
би белгиланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи орган-  
ларнинг мансабдор шахслари давлат ҳокимияти вакил-  
лари сифатида хўжалик юритувчи субъектлар раҳбар-  
ларини, мансабдор шахсларини ва тадбиркорларни  
фақат текширилаётган ёки ўрганилаётган масала бўйи-  
ча тушунтиришлар бериш, уларга ойдинлик киритиш ва  
аниқлаштириш учун белгиланган тартибда чақиришга  
ҳақли.

Бироқ бир қатор ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи  
ва назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан  
қонунчилик талабларига зид равишда, хусусан, Текши-  
ришларни рўйхатга олиш китобини мажбурий равишда

тўлдиришдан бўйин товлash мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва тадбиркорларни тушунтиришлар бериш учун чақиргандек бўлиб, аслида уларнинг фаолияти текширилмоқда.

Тадбиркорларнинг шикоятларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, юқорида қайд этилган органларнинг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, айрим ҳолларда чақирилганларни бир неча соатлаб асоссиз ушлаб турмоқдалар, ўзларини ҳурматсизларча ва менсимаслик билан тутмоқдалар, тааллуқли бўлмаган материалларни талаб қилмоқдалар, айрим ҳолларда эса хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги бирон-бир камчиликларни рўкач қилиб, таъмагирлик билан шуғулланмоқдалар.

Табиийки, бундай ҳолатлар тадбиркорлар томонидан норозиликни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга нисбатан ишончсизликни вужудга келтиради, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини бузади, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида маълум тўсиқларни юзага келтиради, уларнинг ишчанлигига салбий таъсир кўрсатади ва фуқароларнинг тадбиркорликдан манфаатдор бўлишига шубҳасиз, имкон бермайди.

Қонунчиликни қўпол равишда бузилишига йўл қўймаслик, юқорида келтирилган ҳолатларга чек қўйиш мақсадида белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини ёки тадбиркорларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга чақириш учун асос бўлади:

— фуқароларнинг қонунлар бузилиши, жиноятлар ёки фуқаролар ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини чекловчи бошқа ноқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ёзма мурожаатлари;

— оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;

— назорат қилувчи органларнинг аниқ кўрсатилган хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қонунчиликни бузилиши тўғрисидаги маълумотлари.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки тадбиркорни чақирув-таклифномаси ёзма равишда юборилади. Таклиф қилинаётган шахслар аниқ масала юзасидан ўтказиладиган суҳбат ёки муҳокаманинг моҳияти тўғрисида олдиндан хабардор қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг фаолиятига дахлдор бўлган зарур ҳужжатларни ўрганиш учун талаб қилиб олиш қонун билан бундай ҳуқуқ берилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ва уларнинг таркибий бўлинмаларининг бошлиқлари томонидан имзоланган ёзма талабномаларни хўжалик юритувчи субъектлар номига юбориш йўли билан амалга оширилади. Юборилаётган талабномаларда талаб қилинадиган ҳужжатларнинг аниқ рўйхати ва уларни талаб қилишдан кўзланган мақсад кўрсатилиши лозим, бу ўз ўрнида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишдан иборат бўлмаслиги керак.

Агар суҳбат чоғида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ўрганиш давомида хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текшириш зарурати туғилса, мазкур текширишни ўтказиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари қонунда белгиланган тартибда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишиши лозим бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини, мансабдор шахсларини ёки тадбиркорларни тақлиф қилишда, улар иштирокида ҳужжатлар ва маълумотларни кўриб чиқиш ҳамда ўрганиш жараёнида текширувчиларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби ёзма шаклда тушунтирилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, тадбиркорлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ тегишли органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқига эга. Хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан бўйсунтириш тартибида юқори турувчи мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилган тақдирда барча ҳаракатлар, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини, тадбиркорни чақиртириш, улардан молия-бухгалтерия, ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Барча турдаги текшириш ҳаракатларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 17, 18, 22 ва 88-моддаларига қатъий риоя қилган ҳолда шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш принципларига сўзсиз риоя қилишлари шарт.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари қонун талабларини бузса ва юқорида кўрсатилган ҳолатларга йўл қўйса, жиноий жавобгарликкача бўлган қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектларига етказилган зарарлар, шу жумладан, бой берилган фойда уни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатлари ва ушбу Кўрсатма талабларини таъминлаш учун ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари шахсан жавобгардирлар.

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазири  
А.А. Полвон-зода  
2001 йил 23 август  
01-01-28-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурори  
Р.Ҳ. Қодиров  
2001 йил 24 август  
7-3-01-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири  
З.А. Алматов  
2001 йил 25 август  
1/780-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси  
Р.Р. Иноятов  
2001 йил 27 август  
Ук-7-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси раиси  
Б.А. Хўжаев  
2001 йил 27 август  
01-5751-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ \***

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ  
ТЕКШИРИШ ВА ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА  
ОЛИШ КИТОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**[Кўчирма]**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида  
2001 йил 15 майда 917-1-сон  
билан рўйхатга олинган**

*(Меъёрий ҳужжатлар Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон)*

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувиغا барҳам бериш мақсадида ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сон «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан,

**буюраман:**

1. Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби

---

\* 2001 йил 25 майдан кучга кирган.

тўғрисидаги Низомга\* (2000 йил 6 апрелда 917-сон билан давлат рўйхатиغا олинган) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, иловага мувофиқ унинг янги таҳрири тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда илгари нашр этилган ва тарқатилган Текширишларни рўйхатга олиш китоблари ўз кучини сақлаб қолади. Бунда уларнинг юритилиши юқорида кўрсатилган Низом билан белгиланган тартибга мувофиқ равишда амалга оширилади.

4. Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда Текширишларни рўйхатга олиш китобининг юритилиши устидан доимий мониторинг ва назорат олиб борсин, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритишнинг белгиланган тартибини бузиш ҳоллари аниқланганда кечиктириб бўлмайдиган таъсир чоралари кўрсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда:

Тадбиркорлик субъектларини Текширишларни рўйхатга олиш китоби билан ўз вақтида таъминлашни ва солиқ тўловчининг идентификация рақами асосида уларнинг қатъий ҳисобини юритишни ташкил этсин;

сохта Текширишларни рўйхатга олиш китобларининг тарқатилиш ҳолатларига барҳам бериш бўйича тегишли чоралар кўрсин.

**Вазир**

**А.А. Полвон-зода**

Тошкент шаҳри,  
2001 йил 15 май,  
55-мҳ-сон

---

\* Низом Текширишларни рўйхатга олиш китобида берилади.





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Компьютерда саҳифаловчи: **Ж.Ш. Ибрагимов**  
Мусаҳҳиҳ: **Д. Дўстжонова**

Босишга рухсат этилди 17.10.2002 й. Қоғоз  
бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма усули. Босма  
табоғи 5,0. Адади 45000 нусха. 4163-буюртма.  
Нархи шартнома асосида. **Ўзбекистон  
Республикаси Адлия вазирлиги, 700047,  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмаҳонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк  
Турон кўчаси, 41-уй.

